

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛХОМОВА САЙХА ХУСНИДДИН ҚИЗИ

ЭПИЛЕПСИЯ КАСАЛЛИГИНИНГ КЛИНИКАСИ ВА КЕЧИШИГА
COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ТАЪСИРИ ВА ДАВОЛАШ
ТАКТИКАСИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Илхомова Сайха Хусниддин қизи

Эпилепсия касаллигининг клиникаси ва
кечишига COVID-19 инфекциясининг
таъсири ва даволаш тактикаси..... 3

Илхомова Сайха Хусниддин қизи

Влияние инфекции COVID-19 на клинику
и течение эпилепсии и тактика лечения..... 19

Ilkhomova Saykha Khusniddin kizi

The impact of COVID-19 infection on
the clinical presentation and course of
epilepsy and treatment strategies..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 40

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛХОМОВА САЙХА ХУСНИДДИН ҚИЗИ

ЭПИЛЕПСИЯ КАСАЛЛИГИНИНГ КЛИНИКАСИ ВА КЕЧИШИГА
COVID-19 ИНФЕКЦИЯСИНИНГ ТАЪСИРИ ВА ДАВОЛАШ
ТАКТИКАСИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3802 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рашидова Нилуфар Сафоевна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Садикова Гулчехра Кабуловна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ниёзоа Шухрат Ташмирович
тиббиёт фанлари доктори, docent

Етакчи ташкилот:

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+998) 78-150-78-28, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+998) 71-214-82-90

Диссертация автореферати 2026 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2026 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, docent

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бутун дунёда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра¹, COVID-19 инфекцияси дунёда глобал пандемия сифатида тан олинган бўлиб, инсон саломатлигига, айниқса сурункали неврологик касалликлар қаторидаги эпилепсия билан оғриган беморлар ҳолатига жиддий таъсир кўрсатди. Инфекция фонида эпилепсия клиникасининг оғирлашиши, хуружлар сони ва давомийлигининг ортиши, янги симптоматик шаклларнинг пайдо бўлиши, ЭЭГ ва МРТдаги патологик ўзгаришлар, шунингдек, яллиғланиш биомаркери сифатида ССЛ-2 даражасининг ошиши кузатилган. ЖССТ ҳисоботларига кўра, пост-COVID даврида неврологик симптомлар, жумладан, эпилептик тутқаноқлар ва клиник ўзгаришлар сони 25–30%га ошган. Бу ҳолат COVID-19 инфекциясининг эпилепсия кечилишига таъсирини, айниқса клиник, нейрофизиологик ва иммунологик жиҳатлардан чуқур ўрганиш зарурлигини кўрсатади.

Жаҳонда бугунги кунда COVID-19 билан боғлиқ неврологик касалликлар, жумладан эпилепсия, нафақат вируснинг марказий нерв тизимига тўғридан-тўғри таъсири, балки ижтимоий-иқтисодий, экологик ва этнодемографик омиллар билан белгиланадиган кўп қиррали клиник муаммо сифатида қаралмоқда. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тиббий хизмат имкониятлари чекланган ёки экологик хавф юқори бўлган ҳудудларда касалликнинг оғир кечилиши, хуружлар сони ва давомийлигининг ортиши кўпроқ қайд этилади. Жаҳон тажрибаси асосида эпилепсияни COVID-19 фонида эрта аниқлаш, индивидуаллаштирилган даво стратегияларини ишлаб чиқиш ва комплекс мониторинг тизимларини жорий этишга қаратилган илмий-амалий йўналишлар шаклланмоқда. Бу ёндашувлар нафақат клиник симптомларни бартараф этиш, балки уларнинг оғир неврологик асоратларини камайтиришга ҳам хизмат қилмоқда. Шу боис, COVID-19 билан боғлиқ эпилепсиянинг кўп омилли патогенезини чуқур ўрганиш замонавий неврологиянинг долзарб илмий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар доирасида COVID-19 инфекциясининг оқибатларини бартараф этиш ҳамда неврологик касалликларни, жумладан эпилепсияни самарали назорат қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада «... аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, таъхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва

¹https://www.who.int/publications/m/item/weekly-epidemiological-update-on-Covid-19---1-september-2023utm_source

касалликларни профилактика қилиш²» га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида COVID-19 инфекциясидан кейин ривожланадиган неврологик асоратларнинг клиник-нейрофизиологик, нейроиммунологик ва биокимёвий хусусиятларини ҳар томонлама ўрганиш, уларнинг ташҳи ва баҳолаш мезонларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш, санитария-эпидемиологик осойишталик ва аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 29 январдаги ПФ-5537-сон «Республика ҳудудига янги турдаги коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш учун Республика махсус комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4649-сон «Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекциясининг кенг тарқалишининг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 27 мартдаги ПҚ-4662-сон «Аҳолининг дори воситалари, тиббий буюмлар, тиббий техника ва биринчи навбатдаги эҳтиёж товарларига бўлган талабини қондириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўтказилган илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, сўнгги йилларда COVID-19 инфекциясининг марказий асаб тизимига бўлган таъсири масаласи халқаро илмий ҳамжамиятда кенг муҳокама қилинмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро Эпилепсия Лигаси (ILAE) ҳамда бошқа нуфузли илмий марказлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар COVID-19 инфекцияси фонида неврологик касалликлар, жумладан эпилепсия клиникасининг оғирлашишига оид янги далилларни келтирмоқда.

Хусусан, Lu ва ҳаммуаллифлар (2021), Delorme (2022) ва Wang ва ҳаммуаллифлар (2023) ишларида ЭЭГ мониторинги орқали COVID-19 билан боғлиқ ҳолларда эпилептиформ фаолликнинг кучайиши, янги пароксизмал ўчоқларнинг пайдо бўлиши ҳамда МРТда мия оқ моддасида атрофик ва гипоиntenсив ўзгаришлар қайд этилган. Шу билан бирга, постковид даврида эпилепсияли беморларда диққат, хотира ва ижро функцияларининг сусайиши ТМТ ва RAVLT каби нейропсихологик тестлар орқали аниқлангани маълум

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони.

қилинган. Бироқ мавжуд илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, COVID-19 инфекцияси билан боғлиқ эпилепсия ҳолатларида яллиғланиш биомаркери - CCL-2 (C-C motif chemokine ligand-2) даражаси ва клиник, ЭЭГ ҳамда МРТ кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик етарлича ўрганилмаган. Айрим муаллифлар (Tang, 2021; Brisimi ва ҳамм., 2022) CCL-2 ни яллиғланиш жараёнларидаги иштирокчиси сифатида таъкидлаган бўлсалар-да, унинг эпилептик фаоллик ва пост-COVID симптомлар билан клиник-патогенетик ассоциацияси тўғрисидаги маълумотлар чекланган.

Ўзбекистонда бу соҳага бағишланган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган, жумладан, коронавирус инфекцияси билан оғриган болаларда неврологик бузилишлар (М.Қ.Темирова ва бошқ., 2024), коронавирус инфекциясига учраган сурункали мия ишемияси билан оғриган беморларда ўртача когнитив бузилишининг клиник-неврологик ва биокимёвий хусусиятлари (З.Б. Ахмеджанова ва бошқ., 2023), COVID-19 дан кейинги церебро-астеник синдромини ташхислаш ва даволаш хусусиятлари такомиллаштирилган (Г.С. Рахимбаева, У.Д.Шодиев ва бошқ., 2023) лекин COVID-19 ни бошдан кечирган эпилепсияли беморларда етарлича тадқиқот олиб борилмаган. Шунинг учун мазкур йўналишда олиб бориладиган тадқиқотлар нафақат эпилепсиянинг постковид патогенезини чуқур англаш, балки яллиғланиш биомаркерларининг диагностик ва прогностик аҳамиятини белгилаш орқали клиник амалиётда янги имкониятлар яратиши билан долзарб аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий тадқиқот ишлар режасига мувофиқ №02-4974 “Аҳоли саломатлигини яхшилаш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига тиббий профилактика ёрдамини такомиллаштириш ва аҳоли саломатлиги учун ҳавф омилларини бартараф этиш” (2020-2025 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади COVID-19 инфекциясини ўтказган эпилепсияли беморларда касалликнинг клиник кечишига таъсир қилувчи нейрофизиологик ва иммунологик ўзгаришларни комплекс таҳлил қилиш, дифференциал ташхис ва даволаш меъзонларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 инфекцияси таъсирида эпилептик хуружларнинг частотаси, давомийлиги ва клиник хусусиятларини баҳолаш;

эпилепсия ва COVID-19 инфекцияси биргаликда келган беморларда клиник-неврологик ва когнитив бузилишларнинг патогенетик асосларини аниқлаш;

COVID-19 инфекциясини ўтказган эпилепсияли беморларда нейровизуализация текширув усуллари орқали аниқланган специфик ўзгаришларни когнитив бузилишлар билан ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилиш;

COVID-19 инфекциясини ўтказган эпилепсияли беморларда CCL-2 биомаркерининг диагностик ва прогностик қийматини ҳамда унинг эпилептик

хуружлар, когнитив бузилишлар ва МРТ ўзгаришлари билан корреляцион боғлиқлигини аниқлаш;

эпилепсия ва COVID-19 биргаликда кечган ҳолатларда клиник, нейровизуализацион ва яллиғланиш кўрсаткичлари асосида дифференциал диагностика ва давони оптималлаштириш бўйича мезон ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилояти Бўстонлик тумани марказий тиббиёт бирлашмасига мурожаат қилган жами 160 нафар бемор олинган, уларнинг 85 нафари COVID-19 инфекциясини ўтказган эпилепсияли беморлар, 75 нафари COVID-19 ўтказмаган эпилепсияли беморлар ва қўшимча назорат сифатида соғлом шахслар гуруҳидан иборат бўлди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида клиник кузатув маълумотлари, нейровизуализация (МРТ) ва нейрофизиологик (ЭЭГ) текширув натижалари, когнитив функцияларни баҳоловчи нейропсихологик тест натижалари ҳамда беморларнинг қон зардобиди.

Тадқиқотнинг усуллари. COVID-19 инфекциясини ўтказган эпилепсияли беморларда клиник-неврологик ҳолатни баҳолаш учун Seizure Severity Scale (SSS), МРТ ва ЭЭГ текширув усуллари таҳлиллари, когнитив функцияларни баҳолаш мақсадида ТМТ ва RAVLT нейропсихологик тестлар, шунингдек қон зардобидида ССL-2, С-реактив оқсил, ферритин каби иммунологик ва биокимёвий таҳлил натижалари, олинган натижалар статистик таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эпилепсиянинг COVID-19 инфекцияли ва COVID-19 инфекциясиз шаклларидаги тутқаноқларнинг турлари ва уларнинг посттравматик эпилепсияда клиник трансформация даражаси аниқланган;

касалликда ковид инфекцияси таъсирида кузатиладиган тутқаноқларнинг клиник- неврологик ва нейрофизиологик (ЭЭГ) ўзгаришларига кўра дифференциал ташхислаш мезонини ишлаб чиқилган;

эпилепсиянинг ковид инфекцияли ва ковид инфекциясиз шаклларида биохимик, иммун яллиғланиш омилларининг миқдорий кўрсаткичлари касалликнинг кечишига таъсир қилувчи ССL-2 муҳим маркерлардан эканлиги асосланган;

COVID-19 эпилепсияли беморларда витаминотерапия ва III авлод антиэпилептик дори воситаларининг комплекс қўлланилиши яллиғланиш фонидида тутқаноқ фаоллигининг пасайиши ҳамда умумий соматик ҳолатнинг яхшиланиши билан намоён бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

COVID-19 ўтказган эпилепсияли беморларда когнитив ва аффеktiv бузилишларни эрта баҳолаш учун ТМТ ва RAVLT каби нейропсихологик тестлар мажмуасига асосланган клиник-диагностик мезон таклиф этилган.

эпилепсиянинг COVID-19 билан бирга келган шаклини баҳолаш ва ташхислаш учун клиник-неврологик, нейровизуализация (МРТ), нейрофизиологик (ЭЭГ), иммунологик (ССL-2, СРО, ферритин) кўрсаткичларни ўз ичига олган комплекс диагностика ва даволаш мезони ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувлардан фойдаланилгани, назарий материаллар билан олинган натижалар ўртасидаги мувофиқлик, ўтказилган тадқиқотларнинг методологик аниқлиги, етарли миқдорда беморлар камраб олингани, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологиялари ёрдамида ишлаб чиқилгани, шунингдек, тадқиқот натижалари хорижий ва маҳаллий тадқиқотлардаги тасдиқланган маълумотлар билан таққослангани, хулосалар ва олинган натижалар тегишли соҳадаги мутахассислар ва ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунда намоён бўладики, эпилепсиянинг COVID-19 билан бирга келган шаклида SCL-2 миқдорининг ошиши, аутоиммун реакциянинг кучайиши, эпилептик хуружлар ҳамда когнитив бузилишлар оғирлашиши ўртасидаги патогенетик боғланиш илмий жиҳатдан асосланиб, ушбу биомаркер неврологик етишмовчиликни прогнозлаш ва даволаш мезонини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шунда намоён бўладики, эпилепсиянинг COVID-19 билан бирга келган шаклида аниқланган клиник, невровизуал ва иммунологик кўрсаткичлар асосида хавф гуруҳини белгилаш, неврологик етишмовчиликни олдиндан башорат қилиш ва индивидуал терапевтик ёндашувни қўллаш имконияти яратилиб, даволаш самарадорлигининг ошиши ва ногиронлик кўрсаткичларининг пасайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. COVID-19 ўтказган эпилепсияли беморларда клиник-неврологик ўзгаришларни эрта ташхислаш мезонлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: эпилепсиянинг COVID-19 билан боғлиқ шаклида хуружлар динамикаси ва когнитив бузилишлар SCL-2 сабабли кузатиладиган нейрояллиғланиш реакцияси билан, COVID-19 ўтказмаган беморларда эса нейродегенератив ва метаболок омиллар устувор эканлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши қарори билан 22.11.2024-йилдаги 11-24\404-т сон билан тасдиқланган “Эпилепсияли беморларда коронавирус инфекциясининг асоратлар ривожланиш хавфини баҳолаш алгоритми” номли услубий тавсияномага киритилган. Мазкур таклиф ихтисослашган тиббий муассасалардан Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар тиббиёт марказига (2025 йил 21 январдаги №18 буйруғи) ва Бухоро вилояти Ромитан тумани тиббиёт бирлашмаси (2025 йил 29 январдаги №323-2-40ТВ/2025 буйруғи) амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* эпилепсияда хуружлар динамикаси ва когнитив бузилишларни SCL-2 орқали юзага келувчи нейрояллиғланиш билан боғлиқлигини аниқлаш ҳамда дифференциал диагностика ва даво тактикасини ишлаб чиқиш - беморларда неврологик етишмовчилик ривожланишининг олдини олиш, ҳаёт сифатини яхшилаш, реабилитация муддатини қисқартириш, ногиронлик ҳолатларини камайтириш ва беморларнинг ижтимоий мослашувини оширишга хизмат қилади. *Иқтисодий самарадорлиги:* таклиф этилган диагностика ва даволаш

алгоритми хуружлар частотаси ва оғирлиги камайиши ҳисобига стационар даволаниш заруриятини пасайтиради. COVID-19 билан боғлиқ эпилепсияли беморларда дифференциал ёндашув асосида даво тактикаси танланиши натижасида 1 беморга тўғри келадиган йиллик стационар харажатлари ўртача 2 баробарга қисқариб, бир бемор ҳисобида 1239000 сўмгача иқтисодий фойда таъминланди. *Хулоса:* ССL-2 орқали нейроялғиланиш механизмларини аниқлаш постковид эпилепсияда эрта скрининг, дифференциал даво тактикаси ва хуружлар ҳамда ногиронлик хавфини камайтириш имконини берди;

иккинчи янгилик: касалликда кузатиладиган тутқаноқ хуружларида ЭЭГ кўрсаткичларининг ташҳислаш мезони бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши қарори билан 22.11.2024-йилдаги 11-24\404-т сон билан тасдиқланган “Эпилепсияли беморларда коронавирус инфекциясининг асоратлар ривожланиш хавфини баҳолаш алгоритми” номли услубий тавсияномага киритилган. Мазкур таклиф ихтисослашган тиббий муассасалардан Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар тиббиёт марказига (2025 йил 21 январдаги №18 буйруғи) ва Бухоро вилояти Ромитан тумани тиббиёт бирлашмаси (2025 йил 29 январдаги №323-2-40ТВ/2025 буйруғи) амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилаётган усул касалликнинг эрта босқичини аниқлаш, даволаш самарадорлигини ошириш, касалликнинг зўрайишини олдини олиб, беморларнинг саломатлигига ижобий таъсир қилиш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитда даволанаётган тарқоқ склерознинг бошланғич давридаёқ ташҳислаш мезони дифференциаллашган ҳолда ташҳислаш ва ҳамда тиббий ёрдам кўрсатишга молиявий харажатларни камайтириш, ходимларнинг иш вақтини қисқартириш имконини берди. *Хулоса:* касалликнинг эрта даволаш чоратадбирларининг олиб борилиши касалликни авж олиш даврларини олдини олиш ремиссия босқичининг давомли бўлиши, тиббий ҳизматнинг нарҳини камайиши туфайли 1 нафар беморга 1239000 сўм бюджет маблағидан иқтисод қилинди;

учинчи янгилик: эпилепсиянинг ковид инфекцияли шаклида биохимик, иммунологик (ССL-2, СРО, ферритин) миқдорий кўрсаткичларнинг касалликнинг кечишига таъсири қилувчи муҳим маркерлардан эканлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши қарори билан 22.11.2024-йилдаги 11-24\404-т сон билан тасдиқланган “Эпилепсияли беморларда коронавирус инфекциясининг асоратлар ривожланиш хавфини баҳолаш алгоритми” номли услубий тавсияномага киритилган. Мазкур таклиф ихтисослашган тиббий муассасалардан Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар тиббиёт марказига (2025 йил 21 январдаги №18 буйруғи) ва Бухоро вилояти Ромитан тумани тиббиёт бирлашмаси (2025 йил 29 январдаги №323-2-40ТВ/2025 буйруғи) амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилаётган усул касалликнинг даврларига мос равишда даволаш самарадорлигини ошириш, зўрайишини олдини олиш, беморларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитда даволанаётган эпилепсиянинг ковид инфекцияли шаклини ташҳислаш мезони ва

биомаркерлар асосида дифференциаллашган ҳолда ташҳисни қўйишга, тутқаноқ хуружларининг кўпайишини ва ногиронликни жадаллашишини олидини олишга хизмат қилади. *Хулоса:* бунинг мезонида эрта ташҳислаш ва даволаш чора-тадбирларининг олиб борилиши касалликни авж олиш олдини олиб, ремиссия босқичининг давомли бўлишига ва шу тариқа ўлим, ногиронлик кўрсаткичларини, стационарда даволаниш муддатларини камайтирди, молиявий харажатларни қисқартирди;

тўртинчи янгилик: эпилепсиянинг ковид инфекцияли шаклларида мос равишда такомиллашган даволаш чора-тадбирлари бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши қарори билан 22.11.2024-йилдаги 11-24\404-т сон билан тасдиқланган “Эпилепсияли беморларда коронавирус инфекциясининг асоратлар ривожланиш хавфини баҳолаш алгоритми” номли услубий тавсияномага киритилган. Мазкур таклиф ихтисослашган тиббий муассасалардан Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар тиббиёт марказига (2025 йил 21 январдаги №18 буйруғи) ва Бухоро вилояти Ромитан тумани тиббиёт бирлашмаси (2025 йил 29 январдаги №323-2-40ТВ/2025 буйруғи) амалиётга тадбиқ этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* таклиф этилаётган усул касалликнинг эрта ва реабилитация босқичларида даволашни оптималлаштириш шунингдек, беморларда ногиронлик даражасини камайтириш ва олдини олишга қаратилган. *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар шароитда даволанаётган эпилепсиянинг ковид инфекцияли шаклининг дифференциаллашган ҳолда ташҳислаш ва бунинг мезонида даволашни такомиллаштириш, касалликни авж олишни олдини олиш ва ремиссия босқичининг давомли бўлиши, тиббий хизматнинг нарҳини камайиши туфайли 1239000 сўм иқтисод қилинади. *Хулоса:* эпилепсиянинг ковид инфекцияли шакли касаллигида даволашнинг такомиллаштирилган усулини қўллаш беморлар неврология бўлимларида бўлганда бюджет маблағларининг тежалишига олиб келади. Касалликнинг даволаш, касаллик оқибатларини олдини олиш учун бюджет маблағларининг 1 беморга нисбатан 1239000 сўмни иқтисод қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 6 та халқаро ва 2 та республика илмий- амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган нашрларида 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, 4 та боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида эпилепсияли беморларда COVID-19 инфекцияси фонида юзага келган клиник ва иммунологик ўзгаришлар, уларнинг тутқаноқ ҳолатларига, психоневрологик статусга ва яллиғланиш биомаркерлари (хусусан, SCL-2) даражасига бўлган таъсирини чуқур ўрганиш зарурати асослаб берилган. Шу билан бирга, тадқиқотнинг илмий янгилиги, мақсад ва вазибалари, ўрганилганлик даражаси, объект ва предмети ҳамда соғлиқни сақлаш амалиётидаги долзарблиги баён этилган.

Диссертациянинг **“Эпилепсия хуружларига COVID-19 инфекциясининг патогенетик таъсири механизми, диагностик аҳамияти ва даволашда ҳозирги замон қарашлари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобда эпилепсиянинг патогенези, коронавирус инфекцияси билан ўзаро таъсири, нейрояллиғланиш ўзгаришлар ва SCL-2 каби яллиғланиш маркерларининг аҳамияти бўйича илғор илмий манбалар таҳлил қилинган. Шунингдек, постковид синдромидаги неврологик асоратлар ва иммун дисбаланс ҳолатлари, уларнинг эпилепсия кечишига таъсири таҳлил қилинган бўлиб, эпилепсия билан касалланган беморларда COVID-19 инфекцияси таъсирини баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотнинг дизайни, иштирокчилари, ишлатилган методлар ва текширув йўналишлари ёритилган.

Диссертациянинг **“Эпилепсиянинг COVID-19 инфекцияли ва COVID-19 инфекциясиз шакллариининг клиник хусусиятлари, тадқиқот материаллари ва усуллари”** деб номланган иккинчи бобда тадқиқотнинг методологик дизайни, иштирокчилар таркиби, қўлланилган текширув усуллари ҳамда статистик таҳлил ёндашувлари тизимли баён этилди. Тадқиқот 2020–2025 йилларда Тошкент вилояти Бўстонлик тумани марказий тиббиёт бирлашмаси (клиник қисм) ва Тошкент тиббиёт академияси Марказий илмий лабораторияси (лаборатор-инструментал қисм) базасида, проспектив таққослама когорт дизайнида амалга оширилди.

Тадқиқот доирасида жами 180 нафар иштирокчи қамраб олинди ва белгиланган мезонларга мувофиқ учта гуруҳга ажратилди: асосий гуруҳ ($n=85$)-эпилепсия ташхиси мавжуд бўлиб, анамнезида SARS-CoV-2 инфекциясини ўтказган беморлар; 1-назорат гуруҳи ($n=75$)-эпилепсия ташхиси бор, аммо COVID-19 билан касалланмаган беморлар; 2-назорат гуруҳи ($n=20$) - неврологик ёки сурункали касалликларсиз соғлом шахслар. Демографик тавсиф натижаларига кўра, асосий гуруҳда ўртача ёш $38,0 \pm 4,4$ ни ташкил этиб, уларнинг 52 нафари (61,2%) эркаклар, 33 нафари (38,8%) аёллар эди. 1-назорат гуруҳида эса ўртача ёш $35,0 \pm 4,2$ ёш бўлиб, 47 нафар (62,7%) эркаклар, 28 нафар (37,3%) аёллардан иборат эди (1-расм).

Тадқиқотда эпилепсиянинг COVID-19 билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган шакллариини солиштириш мақсадида клиник-неврологик, лаборатор, нейрофизиологик, нейровизуал, нейропсихологик ва иммунологик усуллар мажмуасидан фойдаланилди. Клиник текширув доирасида тутқаноқлар частотаси, давомийлиги, турлари, неврологик статус, рефлекслар, юриш ва координация баҳоланди.



1-расм. Беморларнинг жинс ва ёш бўйича умумий ҳамда гуруҳлар кесимида тақсимот

Лаборатор таҳлиллар орқали қондаги биокимёвий кўрсаткичлар (СРБ, ферритин ва бошқалар) аниқланди. ЭЭГ текшируви эпилептик фаоллик ҳақида маълумот бериб, янги пароксизмал ўчоқлар пайдо бўлиши ва фонов ритмнинг дезорганизациясини қайд этди. МРТ натижалари асосида бош миёдаги атрофик, кистоз-дегенератив ва оқ модда шикастланишлари баҳоланди. Когнитив функцияларни текшириш учун ТМТ ва RAVLT нейropsихологик тестлари қўлланилди. Нейрояллиғланиш даражасини баҳолаш мақсадида ССL-2 концентрацияси ELISA усули билан ўлчанди. Тадқиқотда иштирокчилар учта гуруҳга бўлинди: COVID-19ни ўтказган эпилепсияли беморлар, COVID-19 ўтказмаган эпилепсияли беморлар ва соғлом назорат гуруҳи. Барча маълумотлар статистик таҳлилдан ўтказилиб, гуруҳлар ўртасида клиник, лаборатор, иммунологик, нейropsихологик ва нейрофизиологик кўрсаткичлар бўйича ишончли фарқлар аниқланди. Олинган натижалар ССL-2 даражасининг ошиши эпилептик хуружлар кучайиши, когнитив пасайиш ва МРТдаги структуравий ўзгаришлар билан боғлиқ эканлигини кўрсатди.


Диссертациянинг “**Эпилепсиянинг COVID-19 инфекцияли ва COVID-19 инфекциясиз шакллариға хос клиник кечиши тадқиқот натижалари**” деб номланган учинчи бобида COVID-19 инфекциясини ўтказган эпилепсияли беморларда (асосий гуруҳ) касалликнинг клиник, нейрофизиологик ва нейropsихологик хусусиятлари назорат гуруҳлари билан қиёсий таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари COVID-19 инфекцияси эпилепсиянинг кечишини сезиларли даражада мураккаблаштирувчи мустақил омил эканлигини исботлади.

Клиник маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда неврологик симптомлар мажмуаси нафақат кўлами, балки интенсивлиги жиҳатидан ҳам сезиларли даражада оғир кечган. Жумладан, беморларнинг катта қисмида умумий ҳолсизлик (84,6%), бош оғриғи (69,2%), уйқусизлик (51,9%) ва рухий-эмотсионал ноустуворлик (48,1%) каби умумий неврологик белгилари қайд этилди. Энг муҳим клиник ўзгариш эпилептик хуружларнинг динамикасида намоён бўлиб, беморларнинг 62,5%да тутқаноқ частотаси ортган, 36,5% ида уларнинг давомийлиги узайган, 43,2%да эса аввал кузатилмаган янги турдаги хуружлар шаклланган. Ушбу клиник кўрсаткичлар COVID-19 ўтказмаган эпилепсияли беморлар гуруҳига нисбатан ишончли равишда юқори бўлиб, статистик аҳамиятли фарқ ($p<0,01$) қайд этилди.

ЭЭГ таҳлили асосий гуруҳ беморларининг 67,3%ида эпилептиформ фаолликнинг кучайишини, шунингдек фронтал ва темпорал соҳаларда янги эпилептоген ўчоқлар шаклланишини кўрсатди; патологик разрядлар ремиссия даврида ҳам сақланиб қолгани ($p<0,01$) эпилепсия кечишининг активлашувини ифода этди.

Нейропсихологик тестлар когнитив функцияларнинг сезиларли даражада сусайганини намоён этди: ТМТ-В тестини бажариш вақти ўртача $127,4 \pm 14,2$ сонияни (назоратда - $98,1 \pm 11,7$; $p<0,01$), RAVLT тести бўйича эслаб қолиш кўрсаткичи эса $42,3 \pm 6,8$ баллни ташкил этди (назоратда - $49, \pm 5,4$ балл; $p<0,01$).

Таҳлил натижаларига кўра, когнитив бузилишлар даражаси ЭЭГдаги эпилептиформ фаоллик ва МРТда қайд этилган структуравий ўзгаришлар билан ишончли корреляциялангани аниқланди, бу эса постковид эпилепсияда функционал ва когнитив пасайиш ўзаро боғлиқ равишда кечишини кўрсатади (2-расм).



2-расм. Эпилепсия+Covid-19 гуруҳли беморларнинг нейропсихологик тестлари таҳлили

Диссертациянинг “COVID-19 ўтказган эпилепсияли беморларда клиник кечиш, даволаш тактикаси ва мониторинг стратегиясини такомиллаштириш” деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот натижалари умумлаштирилиб, COVID-19 инфекциясидан кейин эпилепсия кечишида

кузатиладиган ўзгаришларнинг патогенетик механизмлари, хусусан нейрояллиғланиш, когнитив бузилишлар, дори самарадорлиги ва инструментал кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғланиш илмий асосда очиб берилди. Асосий натижа сифатида COVID-19 ўтказган эпилепсияли беморларда қон зардобидидаги CCL-2 даражасининг юқори эканлиги қайд этилди: ушбу кўрсаткич $423,6 \pm 38,7$ пг/мл ни ташкил этган бўлиб, COVID-19 ўтказмаган эпилепсияли беморларга ($291,4 \pm 29,1$ пг/мл) ва соғлом назорат гуруҳига ($187,9 \pm 22,4$ пг/мл) нисбатан ишончли даражада юқори эканлиги аниқланди ($p < 0,001$). CCL-2 миқдорининг ортиши эпилептик хуружлар частотаси, ЭЭГдаги эпилептиформ разрядлар сони ва когнитив бузилишлар даражаси билан тўғридан-тўғри боғлиқ эканлиги аниқланди, бу эса COVID-19 фонида нейрояллиғланишнинг эпилепсия патогенезида етакчи рол ўйнаётганини тасдиқлайди. Олинган натижалар COVID-19 ўтказган эпилепсияли беморларда фақат клиник белгилар асосида эмас, балки иммун-яллиғланиш механизмларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш зарурлигини кўрсатди ва CCL-2 ни диагностика, мониторинг ва индивидуал даво тактикаси учун мақсадли биомаркер сифатида қўллаш имконини берди.

COVID+ гуруҳидаги электроэнцефалографик ўзгаришлар миянинг пешона ва чақа бўлимларида ифодаланган пароксизмал фаолият билан тавсифланди ($r=0,65$; $p < 0,01$), МРТ маълумотларига кўра эса субкортикал ўчоқлар, диффуз атрофия кенгайиши кузатилди ($r = 0,61$; $p < 0,01$).

Когнитив фаолиятни баҳолаш натижалари COVID-19 ни ўтказган эпилепсияли беморларда хотиранинг сезиларли даражада сусайганини кўрсатди.

Хусусан, ТМТ-В тестини бажариш давомийлиги ўртача $127,4 \pm 14,2$ сонияни ташкил этди, бу COVID- гуруҳига нисбатан ($98,1 \pm 11,7$ сония) ишончли даражада юқори бўлди ($p < 0,01$). RAVLT тестида ҳам COVID+ гуруҳи паст кўрсаткич қайд этиб, ўртача $42,3 \pm 6,8$ балл тўплади, COVID– гуруҳида эса бу кўрсаткич $49,1 \pm 5,4$ баллни ташкил этди ($p < 0,01$). Бу ҳолат постковид эпилепсияда диққат, ишчи хотира ва вербал эслаб қолиш жараёнларининг издан чиқишини тасдиқлайди.

Терапевтик самарадорлик таҳлилида антиэпилептик дориларга сезгирлик COVID+ гуруҳида 48,1%ни ташкил қилган бўлса, COVID- гуруҳида у 71,2% га етгани аниқланди ($p < 0,05$). Давога резистентлик улуши ҳам 2–3 баробар юқори бўлиб, COVID+ беморларда 27,8 % ни ташкил этган, COVID– гуруҳида эса 8,5 % ($p < 0,05$).

Эпилептик хуружлар хусусиятларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, COVID+ гуруҳида беморларнинг 62,5% да хуружлар частотаси ортган, 36,5 % ида давомийлиги ошган, шунингдек 43,2% беморда аввал кузатилмаган янги турдаги хуружлар пайдо бўлган. COVID- гуруҳида бу кўрсаткичлар сезиларли даражада паст бўлиб, хуруж давомийлигининг узайиши фақат 10,5 % ҳолларда учраган.

Ушбу натижалар CCL-2 биомаркерини пост-COVID даврда эпилепсиянинг оғирлашувини баҳолаш ва прогноз қилиш учун муҳим восита сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

Индивидуал терапевтик ёндашувни талаб қилувчи муҳим жиҳатлардан бири COVID-19 инфекциясининг антиэпилептик дорилар самарадорлигига кўрсатган салбий таъсиридир. Тадқиқот натижаларига кўра, асосий гуруҳ беморларининг 27,8%да мавжуд даволаш режимига нисбатан дори-резистентлик шаклланган бўлиб, бу кўрсаткич 1-назорат гуруҳида атиги 8,5% ни ташкил этди ($p < 0,05$).

Бундай фарқлар COVID-19 инфекцияси эпилепсияни назорат қилишда кўшимча хавф омиллари пайдо қилиши мумкинлигини тасдиқлайди. Резистентлик ривожланган ҳолатларда даво тактикасига ўзгариш киритиш зарурати туғилди: беморларнинг 31,7%да дори дозаси оширилди, 28,8%да эса терапия схемасига кўшимча препаратлар киритилди.

Ушбу натижалар CCL-2 биомаркерини пост-COVID даврида эпилепсия кечишининг оғирлашувини баҳолаш ва прогноз қилиш учун муҳим инструмент сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

COVID-19 инфекцияси шунингдек антиэпилептик препаратлар самарадорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Асосий гуруҳ беморларининг 27,8 %да аввалги даволаш схемасига нисбатан дорига чидамлилиқ ривожланди, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич атиги 8,5 % ни ташкил этди ($p < 0,05$). Бу ҳолат 31,7 % беморда дори дозасини оширишни, 28,8 % ҳолатда эса янги препаратлар қўшишни талаб этди. Дорига резистентлик шаклланиши CCL-2 даражаси ва ЭЭГдаги патологик фаоллик билан бевосита боғлиқ эканлиги аниқланди (3-расм).

РАВЛ	1	2	-0.55	3	4	5	-0.52
АЛТ	-0.55	↑	1	0.89			0.84
АСТ		0.89	↑	1			
тета ритм	-0.55		↑	1			
ТМТ-А					0.30	0.90	-0.43
ТМТ-В	-0.52		0.30	↑	1	↑	1
эпилептиформ активлик					0.90	↑	1
ССЛ-2		0.84			-0.43	↑	1
ИЛ-6						0.30	0.78
							↑
							1

3-расм. Биокимёвий ва нейрофизиологик биомаркерларнинг ўзаро корреляцион боғлиқлиги

Шундай қилиб, постковид нейрояллиғланишининг эпилепсия кечишини оғирлаштирувчи етакчи омил эканлигини илмий жиҳатдан асосланиб, CCL-2 даражасининг ошиши, хуружлар частотасининг кўпайиши, ЭЭГ кўрсаткичларидаги ўзгаришлар ва когнитив пасайиш билан бевосита боғлиқ эканлиги исботланган. Бу эса COVID-19 ни ўтказган эпилепсияли беморларни баҳолашда иммунологик, нейрофизиологик ва клиник маълумотларни уйғун қўллаш зарурлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижалари асосида постковид эпилепсияда ташхис, мониторинг ва даволаш тактикасига оид илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган. Биомаркерлар ва дорига сезгирликни ҳисобга олган ҳолда терапияни индивидуаллаштириш бўйича таклиф этилган ёндашув замонавий эпилептология имкониятларини кенгайтиради ва постковид неврология ҳамда персоналлаштирилган тиббиёт ривожига амалий ҳисса қўшади.

ХУЛОСАЛАР

“Эпилепсия касаллигининг клиникаси ва кечишига COVID-19 инфекциясининг таъсири ва даволаш тактикаси” мавзусида тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация иши натижалари бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Эпилепсия билан оғриган ва COVID-19 инфекциясини бошдан кечирган беморларда назорат гуруҳига нисбатан тутқаноқ хуружларининг оғирлашиши аниқланди: 62,5 % да уларнинг частотаси ошган, 36,5 % да давомийлиги узайган, 43,2 % да эса фокал дебют билан бошланувчи икки томонлама тоник-клоник хуружлар пайдо бўлган. Бу ҳолат коронавирус инфекциясидан кейин касалликнинг янада салбий кечишини кўрсатади.

2. Постковид даврида эпилепсия билан оғриган беморларда бошқа гуруҳлар билан солиштирганда астеноневрологик ва когнитив симптомлар анча кўп сақланиб қолган. Жумладан, умумий ҳолсизлик - 84,6 %, бош оғриғи - 69,2 %, уйқусизлик - 51,9 % ва когнитив бузилишлар - 47,2 % ҳолларда кузатилган. Бу ҳолат постковид синдромининг мия фаолиятига кучли ва узоқ муддатли таъсирини акс эттиради.

3. COVID-19 ни бошдан кечирган эпилепсияли беморларда МРТда ок модданинг кистоз-дегенератив ўзгаришлари (41,3 %), мия пустлоғи атрофияси (17,4 %) ва Fazekas шкаласи бўйича II–III даражали ўзгаришлар асосан чакка соҳаларда (26,9 %) аниқланган. Бу кўрсаткичлар COVID-19 сиз эпилепсияли беморларга нисбатан ишончли фарқ қилган. Нейровизуализация ўзгаришлари хотира, диққат ва нутқ бузилишлари билан боғлиқ бўлиб, мия тузилмалари шикастланиши ва когнитив етишмовчилик ўртасидаги патогенетик боғланишни акс эттиради.

4. 1-гуруҳ беморларида SCL-2 даражаси $423,6 \pm 38,7$ пг/мл ни ташкил этди, бу 2-гуруҳ ва назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 1,45 ва 2,25 баробар юқори. Шунингдек, ферритин, С-реактив оксил ва фаол кислород шакллари даражасининг сезиларли ошиши қайд этилди. SCL-2 миқдори билан хуружлар частотасининг ортиши, эпилептик хуружларнинг оғирлашиши, когнитив пасайиш ва МРТда аниқланган шикастланишлар ўртасида ишончли корреляция кузатилди. Бу SCL-2 нинг постковид эпилепсия кечишида етакчи нейрояллиғланиш биомаркери сифатидаги ролини тасдиқлайди.

5. Биринчи гуруҳдаги 27,8 % беморларда аввалги антиэпилептик терапия самарадорлиги пасайган, 31,7 % ҳолларда доза тўғрилланган, 28,8 % да янги препарат қўшиш талаб этилган. Антиэпилептик препаратларга қаршилик 2,5

марта кўпроқ кузатилган ва ССL-2 ошиши ҳамда МРТдаги ўзгаришлар билан боғлиқ эди. Бу маълумотлар яллиғланишга қарши даволашни, динамик ЭЭГ-мониторингни ва биомаркерларни баҳолашни ҳисобга олган ҳолда шахсийлаштирилган терапия ёндашувини жорий этиш зарурлигини кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ИЛХОМОВА САЙХА ХУСНИДДИН ҚИЗИ

**ВЛИЯНИЕ ИНФЕКЦИИ COVID-19 НА КЛИНИКУ И ТЕЧЕНИЕ
ЭПИЛЕПСИИ И ТАКТИКА ЛЕЧЕНИЯ**

14.00.13 – Неврология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2026

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2023.3.PhD/Tib3802

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном медицинском университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и в информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Рашидова Нилуфар Сафоевна
доктор медицинских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Садикова Гулчехра Кабуловна
доктор медицинских наук, профессор

Ниёзов Шухрат Ташмирович
доктор медицинских наук, docent

Ведущая организация:

Бухарский государственный медицинский институт имени Абу Али ибн Сины

Защита диссертации состоится «___» _____ 2026 г. в _____ часов на заседании Научного совета по присуждению ученых степеней DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 при Ташкентском государственном медицинском университете (адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фарабий, 2 дом. Тел./факс: (+99878) 150–78–28, e-mail: info@tma.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного медицинского университета (зарегистрирована за №___). Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фарабий, 2 дом. Тел./факс: (+99871)214–82–90.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2026 года.
(реестр протокола рассылки №___ от «___» _____ 2026 года).

Р.Ж. Матмуродов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

Р.Б. Азизова

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, docent

Д.К. Хайдарова

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире по данным¹ Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ), инфекция COVID-19 признана глобальной пандемией в мире и оказала серьезное влияние на здоровье человека, особенно на состояние пациентов с эпилепсией среди хронических неврологических заболеваний. На фоне инфекции отмечалось усугубление клиники эпилепсии, увеличение количества и продолжительности приступов, появление новых симптоматических форм, патологические изменения на ЭЭГ и МРТ, а также повышение уровня ССЛ-2 как биомаркера воспаления. Согласно отчетам ВОЗ, в постковидный период количество неврологических симптомов, включая эпилептические припадки и клинические изменения, увеличилось на 25-30%. Это указывает на необходимость углубленного изучения влияния инфекции COVID-19 на течение эпилепсии, особенно с клинической, нейрофизиологической и иммунологической точек зрения.

В мире на сегодняшний день неврологические заболевания, связанные с COVID-19, включая эпилепсию, рассматриваются как многогранная клиническая проблема, определяемая не только прямым воздействием вируса на центральную нервную систему, но и социально-экономическими, экологическими и этнодемографическими факторами. Исследования показывают, что в регионах с ограниченными возможностями медицинского обслуживания или высоким экологическим риском чаще регистрируется тяжелое течение заболевания, увеличение количества и продолжительности приступов. На основе мирового опыта формируются научно-практические направления, направленные на раннее выявление эпилепсии на фоне COVID-19, разработку индивидуализированных стратегий лечения и внедрение комплексных систем мониторинга. Эти подходы служат не только для устранения клинических симптомов, но и для снижения их тяжелых неврологических осложнений. Поэтому углубленное изучение многофакторного патогенеза эпилепсии, ассоциированной с COVID-19, является одним из актуальных научных направлений современной неврологии.

В нашей стране в рамках широкомасштабных мер, осуществляемых в сфере реформирования системы здравоохранения и охраны здоровья населения, особое внимание уделяется вопросам устранения последствий инфекции COVID-19 и эффективного контроля неврологических заболеваний, в том числе эпилепсии. В связи с этим определены важные задачи, направленные на "...повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи, оказываемой населению, а также формирование системы медицинской стандартизации, внедрение высокотехнологичных методов диагностики и лечения, создание эффективных моделей патронажной службы и диспансеризации для поддержки здорового образа жизни и

¹ https://www.who.int/publications/m/item/weekly-epidemiological-update-on-covid-19---1-september-2023utm_source

профилактики заболеваний²». В целях реализации этих задач актуальное значение приобретает всестороннее изучение клинико-нейрофизиологических, нейроиммунологических и биохимических особенностей неврологических осложнений, развивающихся после инфекции COVID-19, совершенствование критериев их диагностики и оценки.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-6035 от 25 июля 2020 года «О мерах по смягчению последствий коронавирусной пандемии, коренному совершенствованию системы санитарно-эпидемиологического благополучия и охраны здоровья населения», №УП-5537 от 29 января 2020 года «О создании Республиканской специальной комиссии по подготовке Программы мер по предупреждению завоза и распространения нового типа коронавируса на территории республики», Постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-4649 от 26 марта 2020 года «О дополнительных мерах по предупреждению широкого распространения коронавирусной инфекции в Республике Узбекистан», №ПП-4662 от 27 марта 2020 года «О дополнительных мерах по удовлетворению потребностей населения в лекарственных средствах, изделиях медицинского назначения, медицинской технике и товарах первой необходимости» и №ПП-5124 от 25 мая 2021 года «О дополнительных мерах по комплексному развитию сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с VI приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан «Медицина и фармакология»

Степень изученности проблемы. Проведенный анализ научной литературы показывает, что в последние годы вопрос о влиянии инфекции COVID-19 на центральную нервную систему широко обсуждается в международном научном сообществе. Исследования, проведенные Всемирной организацией здравоохранения, Международной лигой по эпилепсии (ILAE) и другими авторитетными научными центрами, приводят новые данные об ухудшении клиники неврологических заболеваний, в том числе эпилепсии, на фоне инфекции COVID-19.

В частности, в работах Lu и соавт. (2021), Delorme (2022) и Wang и соавт. (2023) посредством ЭЭГ-мониторинга в случаях, связанных с COVID-19, отмечалось усиление эпилептиформной активности, появление новых пароксизмальных очагов, а также атрофические и гипоинтенсивные изменения в белом веществе мозга на МРТ. В то же время сообщалось, что снижение внимания, памяти и исполнительных функций у пациентов с эпилепсией в постковидный период выявлялось с помощью нейропсихологических тестов, таких как ТМТ и RAVLT. Однако анализ существующих научных источников показывает, что взаимосвязь между

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги 5590-сонли Фармони

уровнем воспалительного биомаркера - CCL-2 (C-C motif chemokine ligand-2) и клиническими, ЭЭГ и МРТ показателями в случаях эпилепсии, связанной с инфекцией COVID-19, изучена недостаточно. Некоторые авторы (Tang, 2021; Бриссими и соавт., 2022) отмечали CCL-2 как участника воспалительных процессов, однако сведения о его клинико-патогенетической ассоциации с эпилептической активностью и постковидными симптомами ограничены.

В Узбекистане проведен ряд научных исследований, посвященных этой области, в том числе неврологические нарушения у детей с коронавирусной инфекцией (Темирова М.К. и др., 2024), клинико-неврологические и биохимические особенности умеренных когнитивных нарушений у пациентов с хронической ишемией мозга, перенесших коронавирусную инфекцию (Ахмеджанова З.Б. и др., 2023), усовершенствованы особенности диагностики и лечения церебро-астенического синдрома после COVID-19 (Рахимбаева Г.С., Шодиев У.Д. и др., 2023), но недостаточно исследований проведено у пациентов с эпилепсией, перенесших COVID-19. Поэтому исследования в этом направлении имеют актуальное значение не только для глубокого понимания постковидного патогенеза эпилепсии, но и для создания новых возможностей в клинической практике путем определения диагностической и прогностической значимости биомаркеров воспаления.

Связь диссертационного исследования с научно-исследовательскими планами высшего учебного заведения, в котором выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с планом научноисследовательских работ Ташкентской медицинской академии по теме №02-4974 «Улучшение здоровья населения, совершенствование системы медицинской профилактической помощи населению Республики Узбекистан и устранение факторов риска для здоровья населения» на 2020–2025 годы.

Целью исследования является комплексный анализ нейрофизиологических и иммунологических изменений, влияющих на клиническое течение заболевания у пациентов с эпилепсией, перенёсших COVID-19, а также совершенствовать критерии дифференциальной диагностики и терапии.

Задачи исследования:

